# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 24 декабрь, № 251 (5925) Сешанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 14 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 15 августда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2013 йил 13 декабрда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2013 йил 14 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 декабрь
№ ЎРҚ—357

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 9 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 29 ноябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2013 йил 13 декабрда
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2013 йил 9 сентябрь) ратификация қилинсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 9 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Пекин, 2005 йил 25 май) ратификация қилиш ҳақида»**ги ЎРҚ–3-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 307-модда) Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2013 йил 9 сентябрь) кучга кирган кундан эътиборан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 декабрь
№ ЎРҚ—358

# Ислоҳотларнинг мустаҳкам пойдевори

*Халқимиз истиқлол туфайли ўз тақдирини ўзи белгилаш, юртимизнинг буюк келажаги пойдеворини ўз қўли билан яратиш имконига эга бўлди.*

ДИЛ СЎЗИ

Бу эса ҳар биримизни она-Ватанимизнинг бугунги ва эртанги кунига дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Президентимизнинг шу йил 19 декабрь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари қаторида воҳамизда ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилаётир. Бирин-кетин фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув даргоҳлари, хизмат кўрсатиш объектлари, замонавий уй-жойлар — буларнинг бари аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаяпти.

Дарҳақиқат, бугун Сурхон воҳасида юз бераётган ўзгаришлар кўлами ниҳоятда кенг. Масалан, ҳудудимиздан ўтган биргина “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” темир йўлини олиб кўрайлик. Мутахассислар томонидан “Аср қурилиши” дея эътироф этилган мазкур темир йўл нафақат Сурхондарё вилояти, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

2014 йил — Соғлом бола йили

# ЭНГ УЛУҒ ВА МУҚАДДАС МАҚСАД — ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ





*Бугун мамлакатимизда рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, уларнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бундай улуғвор ниятларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун” хизмат қилаётганлигига ҳар биримиз шоҳид бўлиб турибмиз. Давлатимиз раҳбари томонидан янги — 2014 йилнинг республикамизда “Соғлом бола йили” деб номланиши ҳам катта орзу-ҳаваслар билан фарзанд тарбиялаётган, ўғил-қизининг камолини юрт истиқболисиз тасаввур этолмайдиган болажон халқимизнинг қувончига қувонч, ғайратига ғайрат қўшди.*

Зеро, соғлом фарзанд — жамият таянчи, оила бахти. Шунинг учун ҳам юртимиздаги ҳар бир ота-она етук фарзандлар тарбиялашни ҳаётидаги энг улуғ ва муқаддас мақсад, деб билади.

Бинобарин, Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ушбу мақсадларга хизмат қилувчи педиатрия йўналишида кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самарадорлигини ошириш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий тизими яратилди. Жумладан, бир пайтлар тасаввур қилиш мумкин бўлмаган ихтисослаштирилган марказларнинг мукаммал тизими вужудга келди. “Соғлом она — соғлом бола” ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирларнинг юксак натижалари бир қатор нуфузли халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Тиббиётимизнинг муҳим ютуқларидан бири шундаки, бугун инсон ҳаёти учун хавфли бўлган юқумли касалликлар профилактикаси бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётир.

(Давоми 2-бетда).

# АЁЛГА ЭЪТИБОР — ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР

*Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.*

МУНОСАБАТ

Айниқса, қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга қаратилган ишларнинг самарали ташкил қилинаётгани хотин-қизларга бўлган эътибор ҳамда ғамхўрлик янада юқори босқичга кўтарилганини амалда намоён этаётир.

Эътиборлиси, бугунги кунда улар маҳаллалар, оилалардаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини сабр-тоқат, оқилалик билан ҳал этиш, фарзандларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш баробарида, юртимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёнига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Президентимиз яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу ҳақда тўхталиб, аёлнинг бахти, саодати, орзу-умидларига алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, қачон аёл ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса. Ҳаммамиз яхши биламиз, ҳаёт ташвишсиз бўлмайди, лекин шу ташвишлар камроқ бўлса, енгилроқ бўлса, ана шунда аёл ҳаётдан рози бўлади.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг турли жабҳа ва йўналишларда амалга ошираётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш ҳаётимизни янада соғлом ва обод этишда муҳим ўрин тутади. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг ҳудудлардаги бўлинмалари, бошланғич ташкилотлари хотин-қизлар орасига янада чуқурроқ кириб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга биргаликда ечим топишимизда айни муддао бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИНТИЛИШ

*“Бўстонлиқ тикувчилари” масъулияти чекланган жамияти ўз маҳсулотларини тўлалигича экспорт қилаётган корхоналар сирасига киради.*

# Экспортбоп маҳсулот

Бу жамоадан катта масъулият билан бирга, маҳсулот сифати ва ҳажмини оширишнинг янги истиқболли йўллари устида муттасил изланишни тақозо этади.

Шуни ҳисобга олган корхона чеварлари маҳсулотлар турини қисқа фурсатда 50 тага етказишди. Ҳар ой ўртача 50-60 миллион сўмлик турли либослар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Яқинда корхонага хориждан янги туркумдаги замонавий бичиш-тикиш, дазмоллаш ва қадоқлаш анжомлари олиб келинди. Эътиборлиси, технологик янгиланишлар ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда амалга оширилаяпти. Бунинг эвазига яқин кунларда корхона қуввати икки баробар ортиб, ишчилар сони 200 нафарга етади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Долзарб мавзуга бағишланди

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг ижросини ташкиллаштиришга бағишланган идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар судлари, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Солиқ, Божхона қўмиталари, прокуратура ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари ҳамда республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Амнистия актининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, бу борадаги ишларни ташкиллаштириш ҳамда амнистия қарорининг ижросини таъминлашда ходимларнинг масъулияти ва малакасини ошириш, шунингдек, уни қўллашда жойларда хато ҳамда камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олиш мазкур тадбирдан кўзланган мақсаддир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2013 йилда мамлакатимизда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар бюджетимиз умумий харажатларининг**

**60** **фоизини ташкил этди.**

Бу 2012 йилдагига нисбатан 1 триллион сўмдан кўпроқ бўлиб, пировардида обод турмушнинг асосий шарти бўлган аҳолининг реал даромадларини ошириш, таълим ва тиббиёт тизими, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий масалаларни ечиш борасидаги ишларни юқори босқичга кўтариш имконини берди.

# ЭНГ УЛУҒ ВА МУҚАДДАС МАҚСАД — ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Бунинг натижасида полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия, қизамиқ каби касалликларга чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди ва бошқа хил юқумли хасталиклар билан оғриш ҳолатлари кескин камайди. Бундан ташқари, болаларнинг ирсий хасталиклар ва нуқсонли туғилиши хавфи 2000 йилдагига нисбатан 14 фоиз пасайганлиги ҳам ўзига хос эътиборли кўрсаткичдир. Шунинг учун ҳам поёнига етаётган йилда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти андозаларига тўлиқ мос келаётганлиги кишига мамнуният бағишлайди.

Биласиз, айни пайтда нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғуруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ташкил этилиб, аҳолининг узоғи яқин, оғири енгил бўлмоқда.

Куни кеча пойтахтимиздаги Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 80 ўринга мўлжалланган янги даволаш биносининг фойдаланишга топширилиши ҳам мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Мазкур бинонинг очилиш маросимида сўзга чиққан соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов ва бошқалар янги тиббиёт муассасаси Соғлом бола йили арафасида фойдаланишга топширилаётганлиги рамзий маънога эгалигини таъкидлаб ўтишди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимояга йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири эканлигига алоҳида тўхталишди.

Дарҳақиқат, Обод турмуш йили муносабати билан тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 2013 йилнинг ўзида 146 та тиббиёт муассасасида 311 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Жумладан, Сирдарё, Наманган вилоятларида гўдаклар уйлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Жиззах вилоятлари онкология ва силга қарши кураш диспансерлари ҳамда бир қатор туман тиббиёт бирлашмаларида қурилиш-реконструкция ишлари охирига етказилиб, замонавий объектлар ишга туширилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг янги даволаш биноси педиатрия йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Мажмуанинг биринчи қаватида болаларни кўрикдан ўтказишга мўлжалланган қабул бўлими, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган. Бинонинг иккинчи ва учинчи қаватларида эса гўдаклар, пульмонология, неврология ва кардиоревматология бўлимлари ўрин олган.

Бундай даволаш муассасаларининг бунёд этилиши, мавжудларининг қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар билан жиҳозланиши тиббий хизмат кўламининг кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов иштирок этди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ, Фурқат САНАЕВ.**

# Долзарб мавзуга бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда амнистия тўғрисидаги Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда уни қўллаш тартиб-таомиллари ошкоралигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда амнистия акти ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш борасида судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, амнистия тўғрисидаги Қарорнинг тўла ва сифатли бажарилишини таъминлаш ҳамда унинг ижросига масъул бўлган идоралар ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув семинарлари ташкиллаштириб, ўтказиб борилиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасадди идоралар томонидан амнистия акти ижросини таъминлаш борасидаги ишларни ўз вақтида, самарали ва уюшқоқлик билан олиб бориш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Бош прокуратура матбуот хизмати.**

# АЁЛГА ЭЪТИБОР — ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътироф этиш керак, мустақилликнинг ўтган 22 йиллик даври мобайнида Ўзбекистон аёллар ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид катта тажриба тўплади. Бугун бемалол дунё хотин-қизлар ҳаракатининг эътиборида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга ҳисса қўшаётган мазкур тажрибани жаҳонга кўрсатиш мумкин. Чунончи, жорий йилнинг 30-31 май кунлари "Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий, маданий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини кенгайтириш: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида ўтказилган халқаро конференция маълум маънода бу борадаги тажрибалар намойишига айланди. Ушбу муваффақиятларимизда ўтган даврда мамлакатимизда аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси ҳамда уни амалга ошириш механизмларининг яратилгани муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, халқаро анжуманда қатнашган кўплаб хорижлик экспертлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан ўтказилган учрашувда мазкур мукофот жаҳон тажрибасида кам учрайдиган ноёб ижтимоий ҳодиса эканини эътироф этди. Айниқса, Зулфия мукофоти совриндорларининг бир қанча хорижий тилларда эркин мулоқотда бўлиши, шу юртда туғилганидан фахрланиб сўзлашлари меҳмонларни ҳаяжонга солди.

Албатта, бу Ўзбекистон ёшлари, айниқса, қизларнинг юксак эътибор ва ғамхўрлик оғушида эканлигини кўрсатади. Бу нафақат чексиз ифтихор, балки биз — хотин-қизларга билдирилган катта ишонч ҳамдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, поёнига етаётган Обод турмуш йили оналаримиз, айниқса, қишлоқ аёлларига муносиб шарт-шароитларни яратиб бериш, опа-сингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш ғоясини ўзида мужассамлагани билан долзарб аҳамият касб этди. Давлат дастурининг ушбу йўналишида амалга оширилган ишларда жамоатчилик билан узвий ишлаб келаётган, халқимизнинг турмуш тарзи, муаммоларини яхши биладиган масъулларнинг аниқ ва пухта, амалий аҳамияти юқори бўлган таклифлари қўл келди. Пировардида аёлларнинг, айниқса, чекка ҳудудларда яшаётган юртдошларимиз, опа-сингилларимиз турмуш шароитлари янада яхшиланди.

Ҳозир оилаларни мустаҳкамлаш, ёш авлодни турли зарарли таъсирлардан сақлаш, инсоний фазилатларни асраш ҳамда йиллар синовидан муваффақиятли ўтиб келаётган қадриятларимизни асосий тарбия воситасига айлантиришда аёлларимиз фаоллик, фидойилик намуналарини кўрсатиб келаётгани эътиборга молик. Жорий йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги мукофотланган 60 нафар ходимнинг 55 нафари маҳаллалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, миллий қадриятларимизни ёшлар қалбига сингдириш, опа-сингилларимиз оғирини енгил қилиш йўлида меҳнат қилаётган фидойи хотин-қизлар экани фикримиз исботидир.

Айтиш лозимки, ўтган даврда оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирларга оид ислоҳотлар натижасида хонадонларнинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Бугун замонавий газ плиталари, автомат кир ювиш машиналари қишлоқ хонадонларига кириб борди. Электр чойнак, кондиционер, микротўлқинли печ кабилар ҳам ўзбек аёлининг оғирини енгил қилмоқда.

Энг муҳими, бундай дастёр уй-рўзғор, ошхона ва маиший техника воситаларини банкнинг имтиёзли кредитлари эвазига, мақбул нархларда сотиб олиш имкони мавжуд. Ушбу маиший техникалар ўзимизда ишлаб чиқарилганлиги таннархни арзонлаштириб, уларнинг ҳамёнбоплигини таъминлайди. Ўрни келганда яна бир жиҳатни эслатиб ўтиш жоизки, маиший техника олиш учун марказий банк, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар аввалги йиллардагига қараганда 1,3 баравар ошди. Қишлоқларда яшовчи аҳолининг узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олиши учун 58,437 млрд. сўм истеъмол кредитлари ажратилди.

Хотин-қизларни иш ўринлари ва имтиёзли кредитлар билан таъминлаш ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан биргина жорий йилда олти мингга яқин аёлларга бошланғич иқтисодий билимларни эгаллаш, кичик бизнесни қай тарзда ривожлантириш, ҳисоб-китоб қилиш ва бошқа йўналишлар бўйича зарур маслаҳатлар берилди. Натижада кўплаб аёллар ўз бизнесини йўлга қўйди, иш билан таъминланди.

Шу ўринда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, оналар ва болалар соғлиғини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганини қайд этиш жоиз. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғуруқ мажмуалари барпо этилаётгани, ўз навбатида, кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш имконини бермоқда. Айниқса, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар ҳар йили минглаб ҳомиладор аёлларни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишида нуқсони бўлган болалар туғилишининг олдини олишда катта аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз "Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир" номли маърузасида 2014 йилни "Соғлом бола йили" деб эълон қилишни таклиф этганида, ёш авлод тарбияси, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олдимизда улкан ва долзарб вазифалар турганини янада теран ҳис қилдик. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш — ота-онанинг юксак орзуси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Дарҳақиқат, соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб улғайиши миллатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эга. Аёнки, соғлом бола соғлом онадан туғилади, соғлом турмуш тарзи қарор топган оилада вояга етади. Бу эса аёлларга янада кўпроқ эътибор қаратиш, уларни қадрлаш, қўллаб-қувватлаш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш лозимлигини тақозо этади. Чунки ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимиз тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялашда аёлларимиз қўшаётган ҳисса бебаҳодир.

Шу нуқтаи назардан, келгусида "Соғлом она — соғлом бола" тамойилига мувофиқ, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила, маҳалла, таълим масканларида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ҳамда маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш, ҳамкор ташкилотлар билан ишлашни кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кенгайтиришимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, шубҳасиз, олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

**Э. БОСИТХОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

# Қонунийликни таъминлашнинг муҳим шарти

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги: ютуқлар ва муаммолар" мавзуида анжуман ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг мазкур соҳага масъул раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

АНЖУМАН

Анжуманда янги таҳрирда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятига қўйилган талаблар янада кучайтирилгани қайд этилди. Чунончи, қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳар томонлама экспертиза ўтказилмоқда.

Мисол учун, 2013 йилнинг 9 ойи давомида ҳудудий адлия органлари томонидан 882 та қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган, 400 дан зиёд қарорлар давлат ҳисобига олинган. Шу билан бирга, адлия органлари тақдимномаларига асосан, экспертизадан ўтказилмасдан қонунчилик талаблари ҳамда техникасига зид равишда қабул қилинган 100 га яқин қарорлар бекор қилинган. Таъсир чоралари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги 33 нафар масъул мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

Тадбирда бу каби камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, мавжуд муаммоларнинг олдини олишда амалдаги қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиш, соҳа мутахассислари малакасини оширишни тизимли йўлга қўйиш, норма ижодкорлиги соҳасида ҳуқуқий саводхонликни юксалтириш, бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ўзаро тажриба алмашиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Якунда муҳокама қилинган масалалар юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Қисқа сатрларда

● Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бир қатор жамоат ташкилотлари билан биргаликда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги" мавзуидаги республика семинарини ўтказди. Унда тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда тажрибали педагоглар қатнашди.

● Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасида Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўлимлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда маърузадан олинган матн ва қайдлардан иборат "Соғлом бола — ёруғ келажагимиз" номли "Тавсиялар" қўлланмасини тайёрлаш бўйича фикрлар билдирилди.

● Андижон шаҳридаги "Ҳамкор" халқаро бизнес марказида вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари учун уюштирилган семинар-тренинг ўз ишини якунлади. Мазкур тадбир Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан сўнгги икки йил давомида амалга оширилаётган "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини илгари суриш бўйича салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида ўтказилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Ислоҳотларнинг мустаҳкам пойдевори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, у фойдаланишга топширилгач, минтақанинг табиий ер ости бойликларини ўзлаштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Кўплаб саноат корхоналари, маиший объектлар қад ростлади. Минглаб иш ўринлари очилди. Энг муҳими, янги йўл туфайли юк ва йўловчи ташиш масофаси сезиларли даражада қисқарди. Линия бўйлаб ташилаётган транзит ва маҳаллий юклар салмоғи эса сезиларли даражада кўпайди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида, шунингдек, ушбу йўналишдаги яна бир йирик лойиҳа — "Мароқанд — Қарши — Термиз" темир йўл линиясини электрлаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Қаранг, умумий узунлиги 466 километрлик масофани қамраб олган ушбу лойиҳани рўёбга чиқариш учун 597 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этилаётган экан. Бу, албатта, республикамиз темир йўл тизими, умуман, халқимиз келажаги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Сессияда Президентимиз вилоятимизда йўл қўйилган хатоларни ҳам холисона кўрсатиб, бундай салбий ҳолатларни бартараф қилиш зарурлигини қайд этар экан, "Сурхон аҳлига ҳамиша ишониб келганман ва бундан кейин ҳам ишонаман", дея алоҳида таъкидлади. Бу сўзларни биз, сурхондарёликларга билдирилган юксак ишонч ва масъулият, деб биламиз.

**Орзиқул СОАТОВ,**
**халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати, «Нуроний» жамғармаси бўлими раиси.**

# Конституция билимдонлари

*Кеча "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакатимиз тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" номли тарғибот лойиҳасининг якунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.*

ТАНЛОВ

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, олимлар, ҳуқуқшунослар, ёшлар ва журналистлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги изчил ишларда Президентимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тарғибот лойиҳасининг кўлами жорий йилда янада кенгайиб, янги йўналишлар билан бойитилди. Лойиҳа мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий жараёнларга нисбатан мустақил ва онгли муносабатни шакллантириш, ҳаётга татбиқ этилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳамда Конституция ғояларини ёшларга етказиш, йигит-қизларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган.

20 ноябрда бошланган мазкур лойиҳа умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари, маҳаллаларда "тенгдош — тенгдошга" тамойили асосида 15 декабргача давом этди.

Айтиш жоизки, тарғибот ойлиги доирасида ташкил этилган "Конституция билимдони — 2013" онлайн танлови ҳам қизғин руҳда ўтди. Тадбир якунида ушбу танловнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган 21 нафар йигит-қиз ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

*Европа Иттифоқи Бразилия олиб бораётган иқтисодий сиёсатдан норози бўлиб, Жаҳон савдо ташкилотига мурожаат қилди.*

## Келишув учун олтмиш кун

“Евроньюс” телеканали хабарига қараганда, расмий Брюссель ушбу мамлакатнинг четдан олиб кирилаётган маҳсулотларга белгилаётган солиқ ставкаларига эътироз билдирмоқда. Хусусан, 2011 йилдан Бразилияда хориждан келтирилган машиналар учун меъёридан ортиқ қўшимча қиймат солиғи жорий этилган. Бошқа юқори технологияларга эса бундай тартиб амалга киритилмаган.

Жаҳон савдо ташкилоти иш тажрибасига кўра, бундай вазиятда томонларга муросага келиш учун олтмиш кун муҳлат берилади. Шу вақт ичида улар ўзаро келишувга эришмаса, махсус текширув олиб борилади.

Экспертларнинг фикрича, томонларнинг тил топишишига шубҳа йўқ. Чунки Европа Иттифоқи Лотин Америкаси давлатлари билан эркин савдо ҳудуди ташкил этиш борасида музокаралар ўтказмоқда. Мулоқотларда, албатта, Бразилия манфаатлари ҳам эътиборга олинади.

## Инқироз ортда қолдими?

*Жорий йилнинг учинчи чорагида Ирландияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 фоиз ўсди.*



Бунда қурилиш соҳасидаги ижобий кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этди. Қолаверса, ўтган чоракда ишсизлик даражаси 12,5 фоиз пасайган.

Шунингдек, Ирландия ҳукумати халқаро кредиторларнинг ёрдам дастури тугаганини ҳам маълум қилди. Аммо ҳозирча экспертлар ушбу мамлакат иқтисодиёти инқироз таъсиридан қутулиб кетишига унчалик ишонишмаяпти. Чунки давлат олдида ташқи қарзларни ҳал этиш масаласи ҳам кўндаланг турибди.

## Океанортида қаҳратон қиш

*АҚШнинг бир қатор ҳудудларида кузатилган қор бўронлари ва торнадо кўплаб кўнгилсизликларга сабаб бўлди.*



Хусусан, Кентукки, Миссури штатларидаги йўллар музлагани туфайли автоҳалокатлар сони ортган. Ҳозирги кунга қадар етти киши ҳаётдан кўз юмган. Нью-Йорк, Вермонт ва Мэн штатларида эса юз мингдан ортиқ хонадон электр таъминотидан узилиб қолган.

Худди шунга ўхшаш табиат инжиқликлари Канадада ҳам рўй берди. Жумладан, мамлакатнинг Онтарио ва Торонто музофотларида муз ёмғирлари ёғиб, 600 минг хонадон электр қувватисиз қолди. Мутахассислар мазкур муаммони бартараф этиш учун камида етмиш икки соат вақт кераклигини маълум қилишган.

Квабек ва Нью-Брансуик музофотларида эса қалин қор ёққани боис транспорт ҳаракати издан чиқди. Оттава, Торонто, Монреаль ва Галифакс шаҳарларидаги аэропортларда минглаб парвозлар бекор қилинган.

## Изидан чиқиб кетди

*Кениянинг Найроби шаҳрида темир йўл ҳодисаси содир бўлди.*



Манбага кўра, пойтахтнинг аҳоли зич яшайдиган Кибере туманида поезд изидан чиқиб кетиб, одамлар истиқомат қиладиган бинолар устига ағанаган. Ҳозирча қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ўн кишининг тан жароҳати олганини айтишмоқда. Уларнинг ҳаёти хавф остида эмас.

Ҳалокат сабаблари ўрганилаяпти.

## Чемпионлар чемпиони

*Марокашда футбол бўйича клублар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатининг ғолиб ва совриндорлари номи маълум бўлди.*



Мусобақа финалида Германиянинг “Бавария” ва мезбонларнинг “Рожа Касабланка” жамоалари ўзаро баҳс олиб борди. Якунда Европа вакиллари 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Бразилиянинг “Атлетико Минейро” жамоаси Осиё шарафини ҳимоя қилган “Гуанчжоу Эвергранд” клубини мағлубиятга учратиб (3:2), учинчи ўринни қўлга киритди.

ФИФА томонидан 2000 йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур анъанавий мусобақада бош совринга энг кўп (икки мартадан) Бразилиянинг “Коринтианс” ва Испаниянинг “Барселона” клублари сазовор бўлган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ФЕСТИВАЛЬ

*Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида “Давр садолари — III” мусиқа фестивали бўлиб ўтди.*

## Давр садолари

Тадбир очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда миллий қўшиқчилигимизни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани, хусусан, замонавий мусиқа ва санъат мактаблари қад ростлаётгани, муҳташам санъат саройлари барпо қилинаётганини эътироф этишди.

Консерваториянинг эстрада хонандалиги кафедраси ташаббуси билан уюштирилган мазкур фестивалда талабалар ва ўқитувчилар ижросида жаҳон мумтоз мусиқаси ҳамда миллий эстрада қўшиқчилигимиз дурдоналари ҳисобланмиш 25 га яқин тароналар янгради.

— Ушбу мусиқа фестивали талабаларимиз учун ўзига хос имтиҳон бўлиши билан бир қаторда, уларни катта саҳнага олиб чиқувчи кўприк вазифасини ўташи, шубҳасиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, эстрада хонандалиги кафедраси мудири, профессор Дилором Омонуллаева. — Чунки улар жонли ижро орқали ўз иқтидор ва маҳоратларини намоён қилишди. Концертда турли даврларда яратилиб, халқимиз қалбидан чуқур жой олган ва айни дамда талаба-ёшларимиз орасида жуда оммалашган “Хаёлимда”, “Мафтун бўлдим”, “Сен қайдасан” каби миллий эстрада қўшиқларига кенг ўрин берилди.

**Илҳом ЖЎРАЕВ.**

# Ҳаракат хавфсизлиги ва масъулият

*Бугунги кунда мамлакатимизда транспорт-коммуникация соҳаси, хусусан, темир йўл тизими жадал ривожланиб бормоқда. Истиқлол йилларида, айниқса, темир йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, янги йўлларни қуриш, юк ва йўловчи ташишнинг замонавий усулларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар туфайли мазкур тармоқ иқтисодиётимизнинг муҳим ҳамда стратегик йўналишларидан бирига айланаётгани диққатга сазовордир.*

ЖАРАЁН



Албатта, темир йўл транспорти ривожлангани сари унга бўлган талаб ҳам ортиб бораверади. Ахир ким замонавий, тезкор ва ишончли хизматдан фойдаланишни хоҳламайди, дейсиз?! Жумладан, кейинги йилларда “Тошкент — Қарши”, “Тошкент — Бухоро”, “Тошкент — Самарқанд” йўналишларида “Nasaf”, “Sharq” ва “Afrosiyob” тезюрар поездлари қатнови йўлга қўйилгани йўловчиларга ҳар томонлама қулайлик яратди. Бироқ бу, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи мутахассислар зиммасига ҳам улкан масъулият юкламоқда.

Жумладан, “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда “Тошкент — Самарқанд” йўналишида жойлашган бино ва иншоотларни замонавий архитектура талаблари даражасида таъмирлаш, ободонлаштириш, боғлар яратиш каби ишларни бажариб келмоқда.

Шунингдек, темир йўл транспорти ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида муҳофаза зоналари белгиланиб, темир йўлларнинг ҳар икки томонига темир-бетон деворлар ҳамда панжаралар ўрнатилаяпти. Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш постлари ташкил этилмоқда. Буларнинг бари, аввало, поездлар ҳаракати, қолаверса, темир йўл яқинида яшовчи аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлардир. “Afrosiyob” тезюрар поездининг тезлиги соатига 250 километрга етишини, фавқулодда ҳолатда унинг тўхташ масофаси 1500-2000 метрни ташкил қилишини инобатга олсак, мазкур тадбирларнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини англаш қийин эмас.

Бундан ташқари, инспекция ходимлари томонидан Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда темир йўл ташкилотларида ўтказилган профилактика ишлари натижасида йўлни сақлаш меъёрларидан чекинишлар ва носозликлар, вагон, локомотив, электртаъминот, сигнализация ва алоқа қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш жараёнида аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Ҳозирги кунда, шунингдек, республикамиз темир йўл тизимида 700 дан зиёд автомобиль ва темир йўл кесишмалари мавжуд бўлиб, унинг фақат 23 фоизи қўриқланади. Эътиборлиси шундаки, уларда барьер-автоматлар ўрнатилиши натижасида жорий йилда “Тошкент — Самарқанд” тезюрар йўналишида бирорта ҳам салбий ҳолат учрамади.

Темир йўлларда хавфсизликни таъминлаш — долзарб масала. Шундай экан, юк ва йўловчиларнинг ўз манзилига хавф-хатарсиз етиб олишини таъминлаш нафақат инспекция ходимлари, балки барча юртдошимизнинг бурчидир.

**А. ҚАЛИМБЕТОВ,**
**«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ахборот хизмати бошлиғи.**

● Реклама ва эълонлар ●

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Наманган вилояти филиали
*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2013 йил 7 майдаги 1-1552-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Наманган тумани, «Ирвадон» ҚФЙ, «Ўрта Ровустон» МФЙ ҳудудида жойлашган, фуқаро Нуритдинов Рустам Мухитдиновичга тегишли, умумий фойдаланиш майдони 989,44 кв.м., қурилиш ости майдони 826,52 кв.м. бўлган, 19 та хонадан иборат «Наргиз савдо дўкони» бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 9 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 7 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz
*Лицензия: RR-0001.*
2106R/1453

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»
МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ
ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!
O‘ZBEKISTON havo yo‘llari
ТОШКЕНТ – **ВОЛГОГРАД** – ТОШКЕНТ
*ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари*
**УРГАНЧ** – ВОЛГОГРАД – **УРГАНЧ**
*ҳар ҳафтанинг шанба кунлари*




+99871 140-02-00
www.uzairways.com
Сертификат № СЭ1-О
*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!*
1916R/966

«Тошкент труба заводи» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган
маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

**Мисланган пайвандлаш сими**
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

**Тўқиладиган ва мих**
**ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,**
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

**Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар,**
**ўлчамлари:** 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20,
120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20,
200х70х20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм.,
баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.





*(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)*
МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.
1666R/956

Реклама ўрнида



## «Микрокредитбанк»: Тадбиркор ёшларга рағбат

*Келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, йигит-қизларнинг орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариш — юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.*

Жорий йилда республикамиз бўйича яратилган 970 мингдан ортиқ иш ўрнининг 500 мингтасидан кўпроғига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жалб қилингани бу борадаги эътиборнинг амалий ифодасидир.

Таъкидлаш жоизки, “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки, айниқса, ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқаришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, банк жамоаси ёшлар билан турли учрашувлар ўтказиб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган йигит-қизларга тегишли маслаҳат ва тавсиялар бермоқда. Энг яхши лойиҳаларга кредит маблағлари ажратмоқда.

— Албатта, ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади, — дейди учқудуқлик ёш тадбиркор Ойсулув Абдураҳмонова. — Шу маънода айтганда, тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик эса юксак муваффақиятларга гаров бўлади.

Сўнгги йилларда банк ва мижоз ўртасидаги масофа тобора “қисқариб” бормоқда. Яъни молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда таклиф этаётган хизматлари тури кенгаяётгани, аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани шундай дейишга асос бўлади. Қолаверса, банк томонидан таклиф этилаётган хизматлар, биринчи навбатда, мижоз манфаати устуворлигини кафолатлайди.

Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Корхонамизда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этдик. Бунда “Микрокредитбанк”нинг Учқудуқ тумани филиали томонидан ажратилган 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит қўл келди. Ушбу маблағ эвазига замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатдик.

Ҳозир бу ерда қандолат маҳсулотларидан ташқари 2 та нон пишириш ва битта хамир қориш ускунаси ёрдамида бир кеча-кундузда 1500 донагача қолипли нон ҳам тайёрланаяпти.

Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, ушбу молиявий муассаса томонидан ёш ишбилармонларга 38 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар берилгани, пировардида 7 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил этилгани бунинг яққол тасдиғидир. Шу маънода, бугун қўлида ҳунари ёки уқуви бор ҳар қайси инсон “Микрокредитбанк” эътиборидан четда қолмаяпти. Уларнинг қобилияти ва маҳоратини юзага чиқаришда банк маблағлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**

# Истеъдод ва маҳорат эътирофи

*Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон футбол федерациясининг 2013 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган тантанали маросими бўлиб ўтди. Унда ЎФФ мутасаддилари, футбол жамоатчилиги ҳамда журналистлар иштирок этди.*

ТАДБИР

Тадбирда сўз олганлар таъкидлаганидек, жорий йил ўзбек футболи учун анча сермаҳсул кечди. Жумладан, ўн етти ёшгача бўлган ўсмирларимиз ҳамда йигирма ёшгача бўлган футболчиларимиз жаҳон чемпионатларида муносиб қатнашди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса 2015 йил Австралияда ўтадиган Осиё чемпионати йўлланмасини муддатидан олдин қўлга киритди.

Футболимиз равнақи йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган мураббийлар, футболчилар доимий равишда давлатимизнинг эътиборида бўлиб келмоқда. Бунга мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев ҳамда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси катта мураббийи Алексей Евстафеев эса "Дўстлик" ордени билан мукофотлангани яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбарининг "Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари таркибидаги ажойиб ўйинлари билан мухлису мутахассисларнинг эътирофини қозонган Тошкент шаҳрининг "Пахтакор" профессионал футбол клуби аъзоси Аббосбек Махсталиев "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланди.

Анъанага мувофиқ, тадбирда бир қатор номинациялар бўйича ғолиблар номи эълон қилинди. Жумладан, "Fair play" мукофотига Тошкентнинг "Локомотив" футбол клуби сазовор бўлди. Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси ҳужумчиси Олександр Пишур "Чемпионат тўпурари", ФИФА рефериси Равшан Эрматов "Йилнинг энг яхши ҳаками", Дилшод Нуралиев "Йилнинг энг яхши ёшлар мураббийси", Жамшид Болтабоев, Акобир Тўраев ва Иззатилла Абдуллаев "Йилнинг энг яхши ёш футболчилари", Рўзиқул Бердиев "Йилнинг энг яхши мураббийси", Виталий Денисов "Йилнинг энг яхши футболчиси" номинацияларига лойиқ, деб топилди. Уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Сўнгги йилларда Гулистон давлат университети, 1-педагогика коллежи, академик лицей яқинида бир нечта янги таълим муассасалари бунёд этилгач, Сирдарё вилояти марказининг 4-мавзеси ўқувчилар ва талабалар шаҳарчасига айланди.*

*Ана шу муҳташам ва замонавий бинолардан бирининг остонасига қадам қўйишингиз билан мўъжаз ҳайкалларга рўбарў келасиз. Икки қатор қилиб тизилган мазкур санъат намуналари бино пештоқидаги "Сирдарё вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати" деган ёзувга мазмунан уйғунлашади. Айни чоғда ушбу ҳамоҳанглик муассасада олиб борилаётган сабоқларда тўла акс этади. Яъни бу ерда ўқувчилар фанларни чуқур ўзлаштириш баробарида, истеъдодларини камол топтириш имкониятига ҳам эгалар.*



# НАФОСАТ ИЖОДКОРЛАРИ

Таълим маскани жорий йил бошида Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида бунёд этилган замонавий бинога кўчиб ўтди. Натижада ўқув бўлими, ётоқхона, ошхона, бадиий устахонадан иборат бутун бир мажмуа қад ростлади. Яратилган қулай шароитларга яраша ўқувчиларни танлаш ва уларнинг иқтидорини шакллантириш борасида ҳам ижобий ўзгаришлар қилинди.

— Ҳозир ранг-тасвир, миниатюра, миллий каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, мусиқа сингари йўналишларда машғулотлар олиб бораяпмиз, — дейди мактаб-интернат директори, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Баҳодир Бобоназаров. — Ўқувчиларимизнинг барчаси иқтидорли. Улар сабоқларимизни тез ўзлаштиришади. Ўзлари ҳам янгилик яратишга астойдил интилишади.



...Ўқув даргоҳида рассомлик қобилиятини шакллантираётган Ленура Ибрагимова дам олиш кунлари Сирдарё соҳилидан чиғаноқ териб келади. Ҳар бири накд пиёладек. Ленура уларни катта-кичик шаклларга солади, бўлакларни рангларига қараб ажратади. Сўнг дарё мавжудотининг қобиқлари ёш рассом учун мўйқалам ва бўёқ ўрнини босади. Чиғаноқлар мольбертга териб чиқилгач, ўқувчи тасаввури унда ё бир алвон гулдаста ёки олтин балиқ бўлиб кўзга ташланади. Айтиш лозимки, мактаб-интернат ўқувчиларининг чиғаноқлар воситасида ишлаган ижод намуналари нуфузли кўргазмаларда ва таниқли рассомлар томонидан муносиб эътироф этилган. Қувонарлиси, бу ерда Ленура каби изланувчан ўқувчилар кўп. Масалан, яқинда миниатюра санъатидан сабоқ олаётган Динара Мавлонхонова ўзининг ижодий топқирлиги билан устозларини қойил қолдирди. У миниатюра тасвирларини тошлар юзида акс эттириб, иқтидорининг янги қиррасини намойиш этди.

— Миниатюра санъати бўйича машғулотларни Камолиддин Беҳзоднинг ижодий мероси ва бугунги давр асарлари асосида олиб борамиз, — дейди ўқитувчи Одилжон Аҳмедов. — Ўқувчиларимиз томошақовоқ, қутичалар, дарахт парчалари, терига миниатюралар чизишни яхши ўзлаштиришган. Умуман, уларнинг ижодий салоҳиятини оширишда табиат воситаларидан илҳом олиш кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Таълим даргоҳининг алоҳида бинода жойлашган 12 та бадиий устахонаси, кўргазма зали мавжуд. Устахоналар машғулотлар ўтказиш учун зарур воситалар билан жиҳозланган. Айни чоғда дизайн ва ҳайкалтарошлик бўйича янги йўналишлар очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, бу ерда ўғил-қизлар учун таниқли рассомлар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилаётир. Жорий йилнинг ўзида республикамизнинг машҳур ранг-тасвир усталари бир неча бор ана шундай машғулотларни ўтказиб бердилар.

— Мактабимизга ҳар йили Камолиддин Беҳзод номидаги республика миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари амалиёт ўташ учун келишади, — дейди ранг-тасвир йўналиши 9-синф ўқувчиси Роҳила Турсунова. — Бу илм даргоҳимиз билан мазкур олий ўқув юрти ўртасида тузилган инновацион шартноманинг самараси. Талабалар биз билан маҳорат дарслари ўтказишади.

Умуман, мактаб-интернат жамоаси ўқувчиларни тасвирий, амалий ва мусиқа санъати соҳасидаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларига ўқишга киришларига тайёрлаш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича чуқур билим олишларини таъминлашга масъулият билан ёндашишаётгани ҳар бир шогирдлари яратаётган санъат намуналарида акс этиб турибди. Бунга жорий йилда мазкур мактаб битирувчиларининг аксарияти ўзлари танлаган йўналишлар бўйича коллежларда ўқишни давом эттираётгани ҳам яққол мисол бўла олади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**(суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Маданият хабарлари



***Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан Фарғона вилояти Бадиий ижодкорлар уюшмасида "Илҳомлар дунёси" деб номланган кўчма кўргазма ташкил этилди.***

## Илҳом дунёси

Обод турмуш йилига бағишлаб ўтказилган мазкур тақдимотда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. Нуриддинов ва бошқалар ёш авлод онгу тафаккурига миллий урф-одат ҳамда қадриятларимиз, ноёб санъатимиз намуналарини сингдириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан эканлигини қайд этиб, шу боис олис шаҳар ва қишлоқларимизда яшаётган иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Барча ҳудудларда бўлиб ўтаётган кўргазмада юртимиз тасвирий санъатининг бой меросидан ўрин олган 50 дан ортиқ нодир асарлар ҳамда кўплаб муаллифлик ишлари намойиш қилинмоқда. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад юртдошларимизни тасвирий санъатимизнинг бой тарихи, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар билан янада кенгроқ таништиришдан иборат.

**Саодат УСМОНОВА.**



***Ўзбек Миллий академик драма театрида "Тонг отган тарафларда" деб номланган спектакль премьераси бўлиб ўтди.***

## Янги асар тақдимоти

Истеъдодли ёш режиссёр Асқар Холмўминов томонидан саҳналаштирилган ушбу асарда бугунги кун ёшларини Ватанга муҳаббат, эртанги кунга қатъий ишонч руҳида тарбияловчи ғоялар илгари сурилган.

Спектаклда бош ролларни Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Лола Элтоева, Фарҳод Абдуллаев, иқтидорли артистлардан Гулнора Жуманазарова, Ҳамза Ҳасанов, Саида Саидбекова, Асадилло Набиев, Зилола Набиева, Даврон Каримов ҳамда "Тасанно" болалар театр студияси жажжи аъзоси Нурмуҳаммад Иброҳимжонов ижро этган.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 14 ДЕКАБРДАН 20 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Депозитарий ҳисоби ва ҳисобот бериш ягона қоидаларига (стандартлари) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2013 йил 25 ноябрдаги 2013-05-сонли буйруғи.*

**2013 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 844-6 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

2. «Капитал ҳаракати билан боғлиқ алоҳида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/1-сонли қарори.*

**2013 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1457-2 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

3. «Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/2-сонли қарори.*

**2013 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2536 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

4. «Суғурталовчилар томонидан қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятнинг амалга оширилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2013 йил 3 декабрдаги 110, 2013-8-сонли қарори.*

**2013 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1876-1 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

5. «Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2013 йил 10 декабрдаги 2013-13-сонли буйруғи.*

**2013 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1895-2 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари Классификаторига қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 16 декабрдаги 85-Б-сонли буйруғи.*

**2013 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2537 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

7. «Депозитарийнинг фаолиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2013 йил 4 декабрдаги 2013-10-сонли буйруғи.*

**2013 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 809-6 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

8. «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2013 йил 9 декабрдаги 2013-11-сонли буйруғи.*

**2013 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-2 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

9. «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2013 йил 12 декабрдаги 63-мх, 113-сонли қарори.*

**2013 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-1 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

10. «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 29 ноябрдаги 68, 38, 4-сонли қарори.*

**2013 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2538 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

11. «Хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2013 йил 13 декабрдаги 1636-сонли буйруғи.*

**2013 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2539 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

12. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги 01-02/12-28, 35-сонли қарори.*

**2013 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-1 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

13. «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2013 йил 11 декабрдаги 2013-14-сонли буйруғи.*

**2013 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 860-3 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

14. «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 20 ноябрдаги 106, 2013-45, 320-В-2-сонли қарори.*

**2013 йил 20 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2262-2 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

15. «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2013 йил 9 декабрдаги 2013-12-сонли буйруғи.*

**2013 йил 20 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-5 (2013 йил 23 декабрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Капитал ҳаракати билан боғлиқ алоҳида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом, 1-сон ўзгартириш» (рўйхат рақами 1457, 2005 йил 18 март), (рўйхат рақами 1457-1, 2012 йил 5 январь). *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 17 декабрдаги 369-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида (рўйхат рақами 2028, 2009 йил 30 октябрь). *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 19 декабрдаги 377-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**


● Реклама ва эълонлар ●

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 31 декабрдаги 586-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган, умумий майдони 603,7 кв.м. бўлган савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2014 йил 22 январь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.*

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

2110А/1091

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.** ***Лицензия: RR-0148.***

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Жиззах вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Жиззах шаҳар СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2013 йил 6 августдаги 13-1306/7074-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, А-саноат ҳудудида жойлашган, «Жиззах темир-бетон буюмлари заводи» МЧЖга тегишли, А-литерли маъмурий бино, 54 та хонали, қурилиш ости майдони 710,60 кв.м., фойдаланиш майдони 1671,14 кв.м. бўлган бино мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 363 797 700 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 8 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 7 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

2111А/1453

***Республика аҳолиси диққатига!***

***Сиз ўз маблағингизни тежашни истайсизми?***

**ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ**

**«ISUZU» ва «КамАЗ» русумли автотранспорт воситаларини сиқилган ва суюлтирилган газда ишлашга ўтказиш таклифини беради.**




***Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.***

***Манзилимиз:***
***Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қўрғони.***

***Мурожаат учун телефонлар:***
***(+99893) 549-15-15, (+99898) 121-18-07.***

1581А/890

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
**9.00 дан 18.00 гача**
**232-11-15, 236-09-25.**
**E-mail: reklama@xs.uz**
02


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий текшириш институти клиникаси жамоаси бош шифокор Муҳайё Убаевна Асиловага волидаи муҳтарамаси **ЭРКИНОЙ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5